

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ  
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи:**

**Тошкент – 2015**

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗА МАТНИ .....	11
Акушерлик гинекология ва сунъий қочириш фанининг аҳамияти.....	11
АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР.....	15
Сперматогенез. Сперма ҳақида тушунча .....	15
ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	18

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**С.С.Гулямов**

**“\_\_\_\_\_” 2015 йил**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ  
МОДУЛИНИНГ**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Ветеринария ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

**Тошкент – 2015**

## *Ветеринария фанининг долзарб масалалари*

---

Модулнинг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

- Тузувчилар:** п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори  
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ хузуридаги минақавий марказ директори  
К.х.ф.д., проф. У.Носиров ТДАУ “Зоотехния” кафедраси профессори  
қ.х.ф.н. доц. А.Холматов -- ТДАУ “Зоотехния” кафедраси мудири
- Тақризчилар:** қ.х.ф.н., доц., F.Амантурдиев- ТДАУ “Зоотехния” кафедраси доценти  
қ.х.ф.д., доц., Т.Акмалхонов- ТДАУ “Зоотехния” кафедраси доценти

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия қилинган ( 2014 йил 27-ноябрдаги 7-сонли баённома ).

### **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва қўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш қўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **I. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ветеринария фанининг долзарб масалалари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ветеринариянинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш қўникума ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Ветеринария фанининг долзарб масалалари” модулининг вазифалари:**

- Ветеринария фанининг долзарб масалалари фанларини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

## *Ветеринария фанининг долзарб масалалари*

•tinglovchilarning vетerinariya fанининг долзарб масалаларидаги таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

•fan бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Ветеринария фанининг долзарб масалалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

•ветеринария йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;

•ветеринария йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;

•ветеринария соҳасидаги сўнгги ютуқларни;

•ветеринария йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;

•ветеринария йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.

•ветеринария йўналиши фанларидан электрон ўкув материалларини яратা олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

•ветеринария йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

•таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ветеринария фанидаги инновациялар”, “Паразитар касалликларни олдини олиш чоралари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ветеринария фанининг долзарб масалалари муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптималь ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан	
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот	Мустакил тальим
1.	Акушерлик гинекология ва сунъий қочириш фанининг аҳамияти.	4	4	4			
2.	Сперматогенез. Сперматогенез. Сперма хақида тушунча.	2	2		2		
	<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>		<b>2</b>

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Акушерлик гинекология ва сунъий қочириш фанининг аҳамияти. (4 соат)**

Режа:

1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари.
2. Акушерлик тушунчаси.
3. Гинекология тушунчаси.
4. «Акушерлик» фанинг вазифаси.

Ветеринария акушерлиги фанинг бир сохаси сифатида қадим замонлардан турмуш тажрибаси табиат ходисаларини ўрганиш давридан вужудга келган Хозирги вақтда ветеринария акушерлиги фани хўжалик ҳайвонлари бўғозлик даврининг физиологияси ва патологияси; туғишидан кейинги физиологияси ва потологияси каби бир-бiri билан боғлиқ бўлган қисмлардан иборат Организмнинг яхлитлиги ҳақидаги таълимотга асосланган ҳолда –бу фан эркак ва урғочи жинсий органини бир бутун ҳолатда ўрганади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Сперматогенез. Сперматогенез. Сперма хақида тушунча. (2 соат)**

**Режа:**

1. Сперматогенез.
2. Жинсий вояга етилиш.
3. Физиологик етилиш.
4. Овогенез.
5. Тухумни етилиш даври.

Барча ҳайвонларда жинсий вояга етилиш организмнинг ўсиши ва умумий ривожланишига нисбатан анчагина эрта бошланади. Шунинг учун ҳам жинсий вояга етган ҳайвонларни қочириш мумкин эмас, чунки урғочи ҳайвонлар ривожланаётган ҳомилани етарли озиқ моддалар билан таъминлай олмайди ва ўзининг соғлиғига заар етади. Ёш ҳайвонларнинг чаноқ суяги ҳали ривожланмаган етилмаган бўлади, бунинг натижасида уларнинг туғиши (айниқса, кавшовчи ҳайвонларда) қийинлашади.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Бу фан бўйича кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Биогелминтлар типи ва марфологияси.
2. Оралиқ хўжайини марфологияси.
3. Гелминтозлар класификацияси.
4. Гелминтологияни асосий синфлари.
5. Дикроцеллиоз ва парамфистамотозлар профилактикаси ва даволаш.
6. Сестодозларни даволаш ва профилактикаси.
7. Нематодоздлар класификацияси.
8. Аскаридалар даволаш ва олдини олиш.
9. Телязиоз класификацияси.
10. Трихонеллёзни даволашда антигелминтикларни роли.
11. Ветеринария пртозоологияси асосий гурухлари.
12. Протозой касалликлари тарқалиши ва ривожланиши.
13. Паррандаларнинг эймириоз касаллиги диагностикаси.
14. Отлар пироплазмози даволаш ва олдини олиш.
15. Трихомоноз класификацияси ривожланиши ва даволаш..
16. Токсоплазмоз диагностикаси ва олдини олиш.
17. Ветеринария арахнологияси систематикаси.
18. Ветеринария энтомологияси систематикаси.
19. Трематодозлар морфологияси, диагностикаси.

20. Фассиолёз касаллиги қўз-атувчиси тузулиши ва ривожланши механизми.
21. Описторхоз диагностикаси даволаш ва олдини олиш.
22. Сестодозлар морфологияси ривожланиш механизми.
23. Қорамол систесериози биологик ривожланиш типи ва клиник белгилари.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А.. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А.Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эрқин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А.Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
13. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
14. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16- февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

18. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
19. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
20. Белқин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
21. Ветеринария журнали.
22. Эргашов Э.Х. ва бош. Чорва молларининг арахноентомозлари.
23. Эргашов Э.Х., Давлатов Р.Б ва бош. Чорва молларининг протозоозлари. Самарқанд. 1998 й.
24. Эргашов Э.Х., Шопўлатов Ж. Ҳайвонларнинг трематодоз билан сестодозлари. Т. Ўзбекистон.н. 1971.
25. Эргашов Э.Х., Шопўлатов Ж. Ҳайвонларнинг нематодлари ва нематодозлари. Т. Ўзбекистон.. 1972.
26. Эргашов Э.Х. ва бош. Курс ишини бажариш бўйича услубий қўлланма. Самарқанд. 1993.
27. Эргашов Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва моллари гелминтозлари. Т. М. 1992 й.
28. Эргашов Э.Х., Давлатов Р.Б ва бош. Умумий паразитология. Самарқанд 1999.

### **Сайтлар:**

[www.vkb.ru](http://www.vkb.ru). “Близнецы” Ветеринария клиникаси расмий сайти  
[www.vetdoefor.ru](http://www.vetdoefor.ru) Россия ветеринарлар жамиятининг расмий сайти  
BIM.UZ Bosh ilmiy metodik markaz

## **МАЪРУЗА МАТНИ**

### **Акушерлик гинекология ва сунъий қочириш фанининг аҳамияти.**

#### **Режа:**

1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари.
2. Акушерлик тушунчаси.
3. Гинекология тушунчаси.
4. «Акушерлик» фанинг вазифаси.

**Таянч иборалар:** Акушерлик. Генекология. Анатомия. Гистология. Эмбриология. Генетика. Нормал патологик физиология. Микробиология.

#### **1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари.**

Ўзбекистон иқтисодий ва социал ривожлантиришни, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш йўлига ўтказиш, агросаноат янги хўжалик системаси – ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципларини ҳар томонлама кенгайтиришни тақозо этади. Демак, ҳар бир соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўп ва айни пайтда сифатли маҳсулот етказиш учун кўрашиб боради. Бу кўраш чорвачилик соҳасида ҳам кесқинлашиши табиий, чунки аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаби ғоят кучайиб бораётган бир пайтда ўзгача бўлиши мумкин эмас. Худди шу боисдан, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини бирдай ривожлантириш учун зарур бўлган ҳамма тадбирлари амалга оширилмоқда, бу хол дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етиштиришга, халқимизнинг озиқ - овқат маҳсулотларига, саноатнинг хом ашёга бўлган талабини тўлиқ таъмин эта оладиган даражага етказиш имкониятини беради. Маълумки, гўшт, сут, жун, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун чорва моллари ҳамда паррандаларни ҳар хил касалликлардан асраш, шунингдек, уларнинг сонини кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун у ветеринария акушерлиги, гинекологияси ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сунъий қочириш соҳасида тегишли билимларга эга бўлиши шарт.

Ветеринария акушерлиги ургочи ҳайвонларнинг бола туғиши қобилияти, буғозлик физиологияси ва патологиясини, туғишининг нормал ва патологик ҳолатларини туғищдан кейинги юз берадиган касаллик, шунингдек, елин касалликларини ўрганувчи клиник фандир.

## *Акушерлик тушунчаси.*

«Акушерлик» французча – **ackuher** – сўзидан олинган бўлиб, у «тўлғоқ» «кўзи ёрилмок» деган маънони англатади.

Ветеринария акушерлиги фанинг бир соҳаси сифатида қадим замонлардан турмуш тажрибаси табиат ҳодисаларини ўрганиш давридан вужудга келган эди. Одамлар уй ҳайвонларида учраб турадиган айрим ҳодисаларни, туқсан она ҳайвоннинг ўз боласини ялаб қутиши ва ҳоказолар сингари ўз-ўзига акушерлик ёрдами кўрсатиш инстиктларини кўрсатиб, бу борада аста-сеқин тажриба ва малакалар орттириб бордилар.

Акушерлик соҳасида халқ тажрибасининг тўпланиши даври узоқча чўзилди. Ветеринария акушерлиги XIX асрнинг ўрталарида, яъни чорвачилик тез ривожлангандан бошлаб, фанга айланди. Ветеринария акушерлигининг фанга айланишига чорвачилик даврининг эволюцион таълимоти, анатомия, гистология, эмбриология нормал ва патологик физиология, хирургия соҳасида вужудга келган йирик ишлар, шунингдек, микробиология соҳасида эришилган илмий ютуқлар кўп жихатдан ёрдам беради.

## *2. Гинекология тушунчаси.*

«Гинекология» грекча иккита сўздан ташкил топган бўлиб, *gin* – аёл ва *logus* – таъминот демакдир.

Профессорлардан А.Ю. Торасевич, А.П. Студенцов, И.А. Бачаров ва бошқаларнинг олиб борган илмий ишлари ветеринария акушерлиги ва гинекологиясини янада ривожлантириш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳозирги вақтда ветеринария акушерлиги ва гинекологиясини клиник ветеринарияниң назарий, диагностик ҳамда даволовчи усуллар комплекси билан бойиган энг муҳим тармоқларидан бирига айланди.

Ҳозирги вақтда ветеринария акушерлиги фани хўжалик ҳайвонлари бўғозлик даврининг физиологияси ва патологияси; туғиши ва туғищдан кейинги физиологияси ва потологияси каби бир-бири билан боғлиқ бўлган қисмлардан иборат. Бундан ташқари, акушерлик фани елин касалликларини, гинекология ва ҳайвонларни сунъий қочиришни ўргатади.

Акушерлик ва гинекология фани анатомия, гистология, эмбриология, генетика, нормал патологик физиология, микробиология, хирургия ва бошқа фанлар асосида тузилган ва улар бу фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Организмнинг яхлитлиги ҳақидаги таълимотга асосланган ҳолда –бу фан эркак ва ургочи жинсий органини бир бутун ҳолатда ўрганади. Бунда ҳайвонлар жинсий органининг фаолиятига, уларнинг тўғри озиқланиши, асралиши ва бошқа омилларнинг таъсир этишини ҳисобга олиш керак. Бу фаннинг асосий вазифаларидан бири ҳайвонлар қисир қолишининг олдини

олиш ва унга қарши самарали усулларни ишлаб чиқишига жорий қилиш ҳамда урғочи ҳайвонлардан соғлом бола олишдан иборатдир.

Бундан ташқари, ветеринария акушерлиги фани бўғозлик даврининг физиологиясига, сунъий қочиришнинг рационал усулларни ва бўғозлик даврини аниқ кўрсатиб берувчи усулларни ишлаб чиқишига эътибор беради. Шунингдек, ҳайвонларинг елин касалликлари, бўғозлик даврида учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг самарали усулларини жорий қилиш катта аҳамиятга эга. Ветеринария фельдшери акушерлик, гинекологик касалликларинг ривожланиш сабабларини билгач, даволашнинг бирор усулини қўллаш орқали ҳайвонларга ёрдам кўрсата олади.

Сунъий қочириш табиийсига қараганда қўйидаги устунликларга эга:

1. *Бир эркак ҳайвондан олинган уруғ билан кўпгина ургочи ҳайвонларни сунъий қочириши мумкин.*
2. *Турли усул билан ёввойи ҳайвонлардан олинган уруғдан уй ҳайвонларини урчитса бўлади. Масалан, арҳарлардан уруғ олиб, у билан қўйларни қочириши ва ҳоказо.*
3. *Табиий қочириши пайтида тарқаладиган юқумли касалликларнинг олдини олишида сунъий қочириши усули муҳим аҳамиятга эга.*
4. *Ургуни чуқур музлатиб, кўп йиллар давомида фойдаланиши мумкин.*

### *3. Акушерлик» фанинг вазифаси.*

Мамлакатимизда ветеринария акушерлиги олий ўқув юртлари, айниқса мустақил акушерлик кафедралари ташкил этилгандан кейин ривожлана бошлади. 1919 йилда Москва Ветеринария институти қошида акушерлик кафедраси ташкил этилди. Бу кафедрада профессор Н.М. Мишқин акушерлик курсидан маъruzалар ўқир эди. У ҳайвонларда тукқандан кейин юз берадиган касалликларни ҳамда елин яллиғланиши (мастит) касалликларини даволашнинг бир қатор самарали усулларини ишлаб чиқди.

Профессор В.В. Конге – дастлабки ветеринария акушерларидан бири ҳисобланади, у 1931 йилда қишлоқ хўжалиги наслсизлигига қарши курашга зид, 1932 йилда эса ветеринария акушерлиги фанидан қўлланмалар ёзди.

1929 йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти) «Ветеринария» факультетида 1937 йили акушерлик ва сунъий қочириш кафедраси ташкил этилди. Бу кафедранинг ташкилотчиси ва биринчи олим Н.В. Скавиш эди.

Кафедра ходимлари бир неча йил давомида қора қулга олиш мақсадида бўғозлик даврини тугалланмасдан *тўхтатиши*, совлиқларда мастит касаллигини патогенетик усул билан даволаш, сигирларда учрайдиган тухумдан касалликларидан гормонал ва нейронал препаратларни қўллаш

уруғланишни яхшилаш учун йод препаратларидан фойдаланиш, ҳайвонлар қисир қолишининг олдини олиш ва илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ўз – ўзини назорат қилиш саволлари:

1. “Акушерлик” нима тўғрисидаги фан?
2. “Гинекология” нима тўғрисидаги таълимот?
3. “Акушерлик» ва «Гинекология» фанларининг вазифалари нималардан иборат?

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
3. Белқин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
4. Ветеринария журнали.
5. Урбан В.П. Епизоотологиядан практикум. Л. 1987 й.
6. Эргашов Э.Х. ва бош. Чорва молларининг арахноентомозлари.
7. Эргашов Э.Х., Давлатов Р.Б ва бош. Чорва молларининг протозоозлари. Самарқанд. 1998 й.
8. Эргашов Э.Х., Шопўлатов Ж. Ҳайвонларнинг trematodoz билан сестодозлари. Т. Ўзбекистон.н. 1971.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР**

### **Сперматогенез. Сперма ҳақида тушунча. (2 соат)**

#### **Режа:**

1. Сперматогенез.
2. Жинсий вояга етилиш.
3. Физиологик етилиши.
4. Овогенез.
5. Тухумни етилиш даври.

#### ***1. Сперматогенез.***

Сут эмизувчи уй ҳайвонларида сперматозоидларнинг катта-кичиклиги ва узунлиги турличадир. Масалан: ит сперма-тозоидининг узунлиги 60, кўчкорники 70-75, айғирники 50-60, буқаники 65 микрон бўлиши мумкин. Эркаклик жинсий хужайралар жуда мураккаб йўл билан тараққий этади. Бунга **сперматогенез** дейилади.

#### ***2. Жинсий вояга етилиши.***

Барча ҳайвонларда жинсий вояга етилиш организмнинг ўсиши ва умумий ривожланишига нисбатан анчагина эрта бошланади. Шунинг учун ҳам жинсий вояга етган ҳайвонларни қочириш мумкин эмас, чунки урғочи ҳайвонлар ривожланаётган ҳомилани етарли озиқ моддалар билан таъминлай олмайди ва ўзининг соғлиғига зарар этади. Ёш ҳайвонларнинг чаноқ суюги ҳали ривожланмаган етилмаган бўлади, бунинг натижасида уларнинг туғиши (айниқса, кавшовчи ҳайвонларда) қийинлашади.

Насл олиш мақсадида эркак ҳайвонларда эрта фойдаланилса – уларнинг уруғдонлари зўр бериб ишлайди. Натижада уруғдонларнинг функцияси муддатидан илгари ишдан чиқади. Шунинг учун ёш молларнинг жинсий вояга етгунга кадар алоҳида-алоҳида сақланиши керак.

#### ***3. Физиологик етилиши.***

Уй ҳайвонларнинг ички органлари яхши ривожланиб, суюклари тақсимлашгандан (организм етилгандандан) кейингина уларни жуфтлаштириш мумкин.

***Урғочи ҳайвонлар организмининг физиологик ва жинсий вояга етилиши.***

Ҳайвон турлари	Жинсий вояга етилиши	Организмнинг физиологик етилиши
Сигир	8-12 ойлигига	18-22 ойлигига
Кўй ва эчкилар	6-8 ойлигига	12-15 ойлигига
Чўчқа	5-7 ойлигига	9-12 ойлигига
Бия	12-18 ойлигига	3 ёшлигига
Туя	2-5 ёшлигига	3 ёшлигига
Ит	6-10 ойлигига	10-12 ойлигига
Мушук	5-6 ойлигига	10-12 ойлигига
Қуён	4-5 ойлигига	5-8 ойлигига

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ҳайвон жинсий жиҳатдан етилган деб ҳисобланганда уни қочириш муддатини кечиктириш ярамайди, акс ҳолда семириб кетади. Бу эса жинсий орган фаолиятини пасайтиришга олиб келади, бунда кўпинча ҳайвонлар қисир колади. Эркак ҳайвонлар эса организм билан шуғулланиши туфайли импотенцияга (жинсий қобилиятсизликка) йўлиқади.

***4. Овогенез.***

Урғочи ҳайвон тухумдонида тухум хужайралари етилади. Тухум хужайраларнинг тараққиёти **овогенез** дейилади. Овогенез кўпайиш, ўсиш ва етилиш даврларига бўлинади. Тухум хужайраларининг тараққиётида эмбрион танасида пайдо бўлаётган тухумдан устини ўраб олган хужайралар кўпайиб, ёш тухумдоннинг тўқималари ичига ўсиб киради. Кейинчалик тухумдан устини ўраб олган хужайралар группаларга ажralади. Ҳар қайси группа – **хужайра оролчаси** дейилади.

Урғочи жинсий хужайраларнинг ривожланиши тухумдондан чиқиши билан бошланади. Етилиш оталаниш (уруғланиш) вақтида тугайди. Еш тухум хужайра етилиш даврида кетма-кет икки марта бўлинади. Бу икки бўлиниш орасида 6-7 соат вақт ўтади. Етилиш даврида овоцитлар анча катталашади. Овотцитларда хромосомаларнинг сони анча кўпаяди. Хужайра биринчи марта иккига бўлинади. Бу хужайраларнинг бир хили катта бўлиб, **икки қатор тартиб овоцитлар** дейилади. Иккинчи хили эса жуда кичкина бўлиб, бунга **биринчи йўналиши таначаси** дейилади. Бу танача бора-бора йўқолади.

***5. Тухумни етилиши даври.***

Эркак ва урғочи жинсий хужайраларнинг ўзаро қўшилишига **уругланиши** деб айтилади. Уруғланиш натижасида зигота ҳосил бўлади. Зиготада эса эмбрион вужудга келади.

Оталаниш йўли билан кўпайиш секин-аста келиб чикқан бўлса керак, чунки баъзида содда ҳайвонларнинг жинсий органи бўлса ҳам, лекин янги

организм унинг иштрокисиз туғилади. Ҳатто эрқаклик жинсий хужайралардан ҳам янги организм келиб чиқиши мумкин. Бу ходисага **андрогенез** дейилади. Лекин янги организм табиатда кўпайишнинг ҳам жинссиз, ҳам жинсий бўлганлигини кўрсатади. Сперматозоидларнинг тухум хужайрага етиб бориш муддати турли ҳайвонларда ҳар хилдир. Масалан: совликларда 30 минутдан 5-8 соаттагача, уй қуёnlарида 2-3 соат, қорамолларда эса 5-9 соат давом этади. Сперматозоидлар ургочи ҳайвонларнинг жинсий йўлида думчалари ёрдамида ҳаракат қиласди. Сперматозоидлар ургочи ҳайвоннинг жинсий аъзоларида узоқ вақт яшаши мумкин. Сигир жинсий органида 25-30 соат, ургочи қуёnnинг органида 8-12 сотагача яшай олади.

Тухум хужайрага яқинлашган сперматозоидлар ўзидан гиалуродиназа ферментини чиқара бошлайди. Бу фермент таъсирида тухум хужайра атрофидаги сперматозоидлар унинг тиник ва сарик пўстини тешиб цитоплазмага киради. Оталаниш жараёнида сперматозоиднинг бутун танаси актив ҳаракат қиласди.

Сперматозоиднинг думчаси ва танаси тухум хужайра цитоплазмасида эриб кетади. Сперматозоиднинг боши эса катталашиб, тухум хужайра ўзининг хажмига баробарлашади. Кейин ҳар иккала жинсий хужайраларнинг ўзаклари кўшилади.

Ўз – ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Турли ҳайвонларда жинсий вояга етилиши неча ойда давом этади?
2. Турли ҳайвонларда физиологик етилиш неча ой давом этади?
3. Овогенез нима?
4. Тухум етилиши қачон бошланади ва қайси ферментлар иштрокида содир бўлади?
5. Уруғланиш жараёнига нима таъсир қиласди ва қайси гармонлар натижасида бўлади?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
3. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
4. Ветеринария журнали.
5. Урбан В.П. Епизоотологиядан практикум. Л. 1987 й.
6. Эргашов Э.Х. ва бош. Чорва молларининг арахноентомозлари.
7. Эргашов Э.Х., Давлатов Р.Б ва бош. Чорва молларининг протозоозлари. Самарқанд. 1998 й.
8. Эргашов Э.Х., Шопўлатов Ж. Ҳайвонларнинг trematodoz билан сестодозлари. Т. Ўзбекистон.н. 1971.

**ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Касалликни пайдо қилувчи сабаб ва шароитлар нима деб аталади?**

Этиология

Организмни реактивлиги

пастгенез

яллигланиш

**2. Заарали ўсмалар кўпинча қайси хайвонларда уларнинг қайси органларини шикастлайди?**

Ит ва отларда

Қорамолларда

Қўй ва эчкиларда

чўчқаларда

**3. Соғлом отларнингтана хароратининг ўзгариш чегараси?**

37,5-38,5

36,0-38,5

41,1-43,0

36,0-37,0

**4. Ветеринария ишлари тўғрисидаги янги қонун қачон қабул қилинган?**

1993 йилда

1969 йилда

1995 йилда

1990 йилда

**5. Хайвонларда учрайдиган юқумли касалликларни аниқлаш, яъни диагноз қўйишида аллергик кўрсатмалардан фойдаланиладиган учулни номини айтинг?**

Иммунодиагностик текшириш

Серологик текшириш

Бактериологик текшириш

Биологик текшириш

**6. Шикастланган ички органлардан оққан аралаш қон оқишини номини айтинг?**

Паренхиматоз қон оқиши

Капилляр қон оқиши

Артериал қон оқиши

Веноз қон оқиши

**7. Дориларнинг организмда парчаланмай йиғилиб қолиб, захарланиш холатигача олиб келиши нима дейилади?**

кумуляция

синергизм

антоганизм

сенсибилизация

**8. Ёш моллар хаётининг (кўпроқбузокларга чўчқа болаларнинг) 7-10 учрайдиган ўткир кечадиган касалликни номини айтинг?**

диспепсия  
колибактериоз

паратиф  
Юкумли атрофик ринит

**9. Сийдик халтаси шилимшиқ қаватининг яллиғланиши нима деб аталади?**

цистит  
нефроз  
нефрит  
уретрит

**10. Сурғичлар синфиға кирувчи ясси гелментларнинг умумлашган номи нима?**

трематодлар  
цестодлар  
нематодлар  
трихоцефалятозлар

**11. Тублаги касалликларни қўзғатувчилари орасида бир хўжайинлик паразитини кўрсатиб беринг?**

эхинококкоз  
дикроцелиоз  
диктиоскаулез  
фасциолез

**12. Одамнинг ингичка ичагида паразитлик қилиб яшайдиган ва узунлиги 10 метргача етадиган гельминтни топинг?**

қорамол цистицерки  
эхинококк  
Чўчқа цистицерки  
Мультицепс мультицедс

**13. Жуда хам майда. Саркаптес авлодига мансуб, кўзга кўринмайдиган каналар қайси касалликни қўзгатади?**

Кичима-кутир  
францолёз  
мониезиоз  
бабезиоз

**14. Фақат хайвонларга хос инфекцион касаллик нима деб аталади?**

зооноз  
антропаноз  
иммунитет  
реинфекция

**15. Хайвонлар ва одамларда учрайдиган инфекцион касалликлар нима деб аталади?**

Антропозооноз  
стафилококк  
фитоинфекция

гематоген

**16.Хайвонлар ва одамларда учрайдиган инфекцион касалликлар нима дейилади**

зооантропоноз

анамнез

авитаминос

гемонхоз

**17.Кемирувчиларни йўқотиш чора-тадбирлари нима дейилади?**

дератизация

патология

дезинфекция

дегельминтизация

**18.От ва эшакларда энг кенг тарқалган нематодоз касаллигини кўрсатинг?**

параскаридоз

аскаридоз

токсакаридоз

аскаридиоз

**19.Уч хўжайнин иштирокида ривожланадиган гельминтни топиб беринг?**

дикроцелий

дикидиокаулос

эхинококк

ценурус

**20.“Инвазия инфекцияга дарвоза очади”, деган иборани биринчи бўлиб қайси олим таърифлаган?**

К.И.Скрябин

Е.И. Павловский

И.Ч.Мяников

Б.Л.Якимов

**21.Узи ветеринария касбига эга бўла туриб умумий зоотехни яишлари билан тугалланган олимни айтинг?**

М.Ф.Иванов

А.Ф.Климов

И.Е.Мезгов

К.Г.Боль

**22.Организм таркибида 4 хил модда, яъни 4 хил суюқлик қон, шилимшиқ, қора ва сарик ўт суюқлигини биринчи бўлиб, қайси олим аниқлаган?**

Гиппократ

Аристотель

Абу Али Ибн Сино

Вирхов

**23.Тўқима элементларининг хажмини катталаниши нима деб аталади?**

Гиперплазия

Гипертрадия

Регенерация

Атрадия

**24.Қорамолдан бир кеча кундузда неча кг гўнг тушади?**

- 20 кг гача
- 50 кг гача
- 30 кг гача
- 5 кг гача

**25.Дориларни қайси йўл билан организмга юборганда, улар 1-2 дақиқа ўз тасирини кўрсатади?**

- вена томирларига
- Мускуллар орасига юборилганда
- Тўғри ичак орқали юборилганда
- Оғиз орқали берилганда

**26.Маълумки чўчқалар ош тузига жуда сезувчандир.Чўчқаларни ўлимга олиб келадиган ош тузи дозасини айтинг?**

- 20г. кг тирик вазнига
- 5г. кг тирик вазнига
- 10г. кг тирик вазнига
- 2г. кг тирик вазнига

**27.Ёғингарчилик қўп бўлган йиллар қайси гельментозкасалликларини кенг тарқалишига сабаб бўлади?**

- фасциолез
- монезиоз
- эхинококкоз
- финноз

**28.Қорамолларда сурункали кечадиган, тери сифатини пасайтирадиган ва хайвон махсулдорлигини камайтирадиган касалликни топинг?**

- гиподерматоз
- эстроз
- гастрофилез
- оксиуроз

**29.Юқумли касаллик чиқсан жой ва унинг территорияси нима деб аталади?**

- эпизоотик
- паразитизм
- панзоотия
- Инфекция резервуари

**30.Хайвонот дунёсининг хар хил вакиллари йигиндиси, ўсимлик, тупроқ, сув бўлиб қўзгатувчиси яшайдиган, кўпаядиган хамда ундан мойил хайвонларга ўтиш мумкин бўлган объектлар нима дейилади?**

- инфекция манбаи
- Инфекция резервуари
- антибиотик
- антиген

**31. Инфекциянинг олдини олиш учун қуриладиган умумий ва хусусий тадбирлар нима?**

- дезинфекция
- вакцинация
- профилактика
- диспансеризация

**32. Баъзан касаллик айрим хайвонларнинг касалланиши билан тўхтайди.**

**Касалликнинг бундай қўринишини қандай тарқалиш деб аталади?**

- спорадик холат
- Эпизоотия
- энзоотия
- экстенсив

**33. Хайвонларнинг хамма авитаминозлари ичида энг тарқалгани қайси?**

- авитаминоз “А”
- авитаминоз “Д”
- авитаминоз “В”
- авитаминоз “Е”

**34. Айтингчи қайси паразит фақатгина пайларда паразитлик қиласи?**

- онхоцерклар
- эхинококклар
- фасуналалар
- аскоридалар

**35. Қишлоқ хўжалик хайвонларининг қонида паразитлик қиласидиган содда хайвонлар (протозоолар) ва улар қўзғатадиган кенг тарқалган**

**касаликнинг номини топинг?**

- пироплазмидийлар
- эймерийлар
- трипанасомлар
- трихоменадлар

**36. Фақат одамларга хос инфекцион касалликлар нима деб аталади?**

- антропоноз
- Оралиқ хўжайин
- Патоген микроблар
- антрогенез

**37. Гўнг биотермик хандакларда қанча вақт сақланади?**

- бир йил
- Бир кун
- Икки ой
- Ўн кун

**38. Қайси касалликлар суюк касалликларига киради?**

- переостит
- тендинит
- флегмона
- абсцесс

**39. Паррандаларнинг қайси юқумли касалликларида касал парранда сўйилади ва уларнинг гўшти ва бошқа махсулотлари куйдириб йўқотилади?**

њуюкасл касаллиги

чечак

Инфекцияли бронхит

грипп

**40. Мониезиоиз касаллиги оралиқ хўжайинлари нималар?**

чувалчанглар

Орибатид каналар

Шилимшиқлар (молюскалар)

кемирувчилаr

**41. Мониезиоиз касаллиги қайси хайвонларда кўпроқ учрайди?**

қўзи, улоқ ва бузоқларда

отларда

паррандаларда

Катта ёшдаги қорамолларда

**42. Моддалар алмашинуви бузилишидан келиб чиқадиган касалликлар?**

остеомаляция

бронхопневмония

кератит

оистит

**43. Хўжаликка янгидан келтирилган йилқилар қайси касалликка қарши маллеинизация қилинади?**

манқа

қорасон

куйдирги

туберкулез

**44. Озиқа моддалари таркибида қайси витаминлар етишмаса эркак хайвонларнинг жинсий рефлекслари бузилади?**

витамин А

витамин Д

витамин Е

витамин В

**45. Эпизоотия ва панзоогоя тарзида кечадиган ва тез тарқаладиган юқумли касалликларни айтинг?**

Куйдирги

лептоспироз

эмкар

туберкулез

**46. Юқумсиз ички касалликлардан қайслиари чорвачиликка энг катта иқтисодий зарар етказади?**

юрак қон айланиш аъзоларининг касалликлари

Овқат хазм қилиш йўллари касалликлари

Нафас олиш йўллари касалликлари  
Сийдик жинсий аъзолар касалликлари

**47. Кемирувчиларга қарши тубандаги тадбирларниң қайсилари ўтказилиши керак?**

дератизация  
дезинсекция  
дезинфекция  
Молхоналарни тозалаш

**48. Қорамол солитери одамга қандай ўтади?**

финали гўшт орқали  
Оталанган тухум  
Хашорот орқали  
Кемирувчилар орқали

**49. Қайси энзоотик касалликларда чорва махсулотларини заарсизлантирилгандан кейин хўжаликдан ташқарига чиқариш мумкин?**

қорасон  
брүцеллез  
қотма  
куйдирги

**50. Чорвачиликка ва инсон саломатлигига энг катта зарар етказадиган гельминтозлар?**

фасциолез  
эхинококкоз  
диктиохаулез  
аскаридоз